



## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

**Қодиров Жонибек**

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
2 босқич магистранти*

**Аннотация:** Бугунги глобаллашув даврида ватанни севадиган, юрт қадрига етадиган болалар тарбияш ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Болаларга ватан ҳақида тушунча беришни уларнинг илк болалик давридан яъни мактабгача таълим ёш давридан бошламоқ зарур. Чунки бу даврда боланинг онги ҳамма нарсани англай бошлайди. Айти шу вақтдан унга Ватани, она юрти ҳақида тушунча берилса, бу тушунча уни умрини охирига қадар тарк етмайди.

**Калит сўзлар:** тарих, ватанпарварлик, технология, фаровонлик, ёшлик, онг, билим, тушуниш, қадрият.

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичи жамият барқарорлигини таъминлашда ва аҳоли турмуш даражасини янада юқори кўтариш борасида тамоман янгича маъно-мазмунга эга бўлиб бормоқда.

Асосий эътибор Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва албатта халқ фаровонлиги сари йуналтирилган экан, шубҳасиз, маънавий юксалиш, ғоявий, мафкуравий собитлик доимо асосий мезон бўлиб қолаверади. Тараққиёт йулимизнинг бугунги таҳлили шуни кўрсатадики, дунё миқёсида турли хил ғоявий таҳдидлар кескин тус олиб, тобора кучайиб бораётганини албатта ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун янгича ёндашув ва тамойиллар билан ишлашни тақозо этмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йуналишлар ва вазифалар айнан ана шу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаши учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.<sup>78</sup>

<sup>78</sup> Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ги Фармони. - Т.: “Алолат”, 2017.- Б.31.





Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳиятини ҳамда халқимизнинг эзгу-мақсадларини ўзида ифода этган миллий ғоямизнинг моҳияти ва унинг бош мақсади Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга ва дунёнинг ривожланган мамлакатлари орасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишига қаратилгандир. Унинг ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий тушунчалари замирида янгиланаётган мустақил жамиятнинг илмий-назарий, амалий асослари уз ифодасини топмоқда. Миллий ғоянинг амалий аҳамияти шундаки, у одамлар онгида фақат аниқ мақсадга йуналтирилган назарий тушунча сифатида эмас, балки ана шу мақсад йулида бутун хотирасида ғоялигича колмай, амалиётга, ҳаётга айланган мамлакатни сафарбар эта оладиган кудратли манавий кучдир. Айнан шу мақомда миллий мафкурамиз халқ ишончи ва эътиқодига айлана олади. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва миллий ўзликни ташқи носоғлом ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қила оладиган кучга айланади. Дарҳақиқат, инсон ва жамият ҳаёти муайян фикрлар, ғоялар билан узвий боғлиқ мафкура инсон ҳамда жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди ва узлуксиз такомиллашиб, ривожланиб, даврлар ўтиши билан ўзгариб боради. Шу сабабли, инсон ва жамият тараққиётида ғоя ва мафкураларнинг ўрни ҳамда таъсирини ўрганиш барча даврларда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай жамият ўз тараққиётида муайян фикрлар, ғоялар ва мафкуралар билан ўзаробоғлиқ ҳолда фаолият кўрсатиши табиий ва қонуний жараён дир.

Бугун халқимизнинг юксак мақсад-муддаоларини ўзида ифодалаган миллий тараққиёт янада мустаҳкамлаш, иқтисодий юксалишга эришиш, миллий хавфсизликни таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш интеллектуал салоҳиятни ошириш, миллий маънавий меросимизни ижодий бойитиш, миллат маънавиятига қарши қаратилган таҳдидларга тайёр туриш, глобаллашув шароитида миллий ўзига хосликни асраш, унинг таъсири остида юзага келиши мумкин бўлган “бузғунчи маънавият” га қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш каби долзарб вазифаларни назарда тутати. Шу Уринда таткидлаш жоиски, миллий маънавий иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омиллари қаторида демократик қадриятларнинг ўрни ва роли аҳамиятлидир. Демократия нафақат жамият аъзоларининг ҳокимият бошқарувида кенг миқёсдаги иштироки, балки шу билан бирга айни шу асосий бошқарув жараёнида инсон ва ҳуқуқ эркинликларининг таъминланишини тақозо этувчи муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисадир.

Чунки уз ҳуқуқи ва эркини том маънода ҳис кила олган инсонгина ихтимоий фаол субъектга айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари миллатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, бундай мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни беқиёс дир.





Зеро, у ўз моҳиятига кўра ёт ғояларнинг кириб келишини олдини олиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларьмажмуини ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалгаёшириладиган ғоявий-тарбиявий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганимизда, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади. Шу боис муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини руёбга чиқаришимиз керак”!<sup>79</sup>

Шунинг учун бугунги кунда янгича фикрлайдиган, демократик кадриятлар руҳида тарбияланган мамлакат келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўра оладиган ёшларимизнинг дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишишларига аҳамият қаратмоқ лозим. Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, миллий ғоя: миллий бағрикенглик ва миллий ривожланиш хусусиятларини эътироф этган ҳолда ҳозирги замон илм-фан ютуқларини эгаллашга, фан ва технологияларни ўзлаштиришга даъват этиб, ватанпарварлик туйғуларини оширади ҳамда ёшларимизнинг ўз халқига миллатига бўлган садоқатини мустаҳкамлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши буйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ги Фармони. Т.: “Алолат”, 2017.- Б.31.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожатномаси. / Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230)

3. Shaxnoza, U. (2022). INGLIZ VA O'ZBEK TILIDA LANDSHAFT SO'ZLARINING QIYOSIY TAHLILI VA FRAZEALOGIYA. Uzbek Scholar Journal, 4, 53-55.

4. Shaxnoza, U. (2022). INGLIZ VA O'ZBEK TILIDA LANDSHAFT SO'ZLARINING QIYOSIY TAHLILI VA FRAZEALOGIYA. Uzbek Scholar Journal, 4, 53-55.

5. Shaxnoza, U. (2022). INGLIZ VA O'ZBEK TILIDA LANDSHAFT SO'ZLARINING QIYOSIY TAHLILI VA FRAZEALOGIYA. Uzbek Scholar Journal, 4, 53-55.

6. Shaxnoza, U. (2022). INGLIZ VA O'ZBEK TILIDA LANDSHAFT SO'ZLARINING QIYOSIY TAHLILI VA FRAZEALOGIYA. Uzbek Scholar Journal, 4, 53-55.

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожатномаси. / Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230)

